

Германия ерларининг 16 та ёшлар кенгаши (Landesjugendringe) минтақавий даражада фаол бўлган ёшлар ташкилотлари бирлашмаларидир. Улар 5 миллиондан ортиқ аъзоларидан иборат бўлган ёшлар ташкилотларидан тузилган. Ушбу бирлашмада маънавий, касба уюшмалари, гуманитар, ижтимоий, экологик ва анъанавий таълим ривожлантиришга қаратилган ташкилотлар мавжуд [1. 65].

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Молодежь России 2000-2025: Развитие человеческого капитала. Доклад подготовлен специалистами Российской академии народного хозяйства и государственной службы при Президент Российской Федерации (РАНХиГС) по заказу Федерального агентства по делам молодежи в 2013 г. (на правах рукописи). С.177
2. [https://en.wikipedia.org/wiki/Category:Youth\\_organizations\\_based\\_in\\_the\\_United\\_States](https://en.wikipedia.org/wiki/Category:Youth_organizations_based_in_the_United_States)
3. [www.4-h.org](http://www.4-h.org) ташкилот расмий веб саҳифаси маълумотлари.
4. Американская система управления персоналом: каковы главные плюсы? [Электронный ресурс] URL: <https://opersonale.ru/upravlenie-personalom/upravlenie-personalom-upravlenie-personalom/amerikanskaya-sistema-upravleniya-personalom-kakovy-glavnye-plyusy.html> (дата обращения: 05.03.2020)
5. Cabinet Office to take on responsibility for cross-government youth policy. <https://www.gov.uk/government/news/cabinet-office-to-take-on-responsibility-for-cross-government-youth-policy>
6. <https://www.ukyouth.org/about-us>.

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ВА УНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

*Ахмедова Дилбар,*

*Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси.*

Маълумки, тарихий тараққиёт давомида Ўзбекистон жаҳоннинг ривожланган давлатлари қатори ўз миллий қиёфасида, яъни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида халқимизнинг миллий менталитетига хос бўлган ижобий анъаналар ва қадриятларни сақлаб қолган ҳолда майдонга чиқди. Бу давр жамиятимизда аёлларни улуғлаш, давлат томонидан уларни сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишнинг негизи сифатида тарих зарварақларида ёрқин из қолдирди.

Янги Ўзбекистон шароитида хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга жалб этишни миллий демократик тараққиёт талаблари даражасига кўтариш учун муҳим сиёсий ва илмий-фундаментал аҳамиятга эга фармон ва фармойишлар қабул қилинди [2-6]. Бинобарин, аёллар

тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган изчил саъй-ҳаракатлар опа-сингилларимизнинг ижтимоий фаоллигини оширишга, турмуш фаровонлигини юксалтиришга имкон яратмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида хотин-қизлар масалалари билан шуғулланишнинг янги босқичи, янги ёндашуви, янги тизими бўйича муҳим таклифлар илгари сурилган эди [7-10]. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2021 йил 5 март куни имзоланган “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарор мамлакатимиз хотин-қизлари учун барча қулай шароитларни яратиш борасидаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур Қарор билан Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ташкил этилиб, Кенгашга:

– хотин-қизларни ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

– хотин-қизларнинг таълим ва касбий кўникмалар олишлари, муносиб иш топишларига ҳар томонлама кўмаклашиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш;

– иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш, турар жойга муҳтож хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасида тизимли чоратадбирларни белгилаш;

– оммавий ахборот воситалари хотин-қизлар учун қулай, бугунги кунда талаб юқори бўлган тадбиркорликнинг замонавий турлари ҳамда уларнинг афзалликлари тўғрисида ижтимоий роликлар тайёрлаши ва намойиш этилишини таъминлаш;

– тадбиркорлик орқали юқори натижаларга эришаётган хотин-қизларнинг ижобий тажрибаларини кенг оммалаштириш;

– маҳаллаларда хотин-қизларнинг бизнес ғояларини аниқлаш ва юқори самарали тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш;

– “Аёллар дафтари” билан изчил ва манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар, секторлар томонидан хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби бир қатор вазифалар белгиланди [11-16].

Илмий таҳлиллар асосида шуни қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқлари ғоялари қанчалик илгарилаб борса, аёл ҳуқуқлари ҳам шунчалик долзарб тус олади. Инсон ҳуқуқларининг вужудга келиши ва таракқий этиши, шунингдек инсон ва давлат ўртасидаги энг муҳим жиҳат ҳисобланган аёл ҳуқуқларига бўлган муносабат жамиятнинг маънавий ҳолатини белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 17 миллиондан зиёдини хотин-қизлар ташкил қиляпти. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлган муносиб оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизга муносиб меҳнат ва турмуш

шароитини яратиб бериш, уларни рози қилиш – барча даражадаги раҳбарларнинг нафақат хизмат вазифаси, балки, энг аввало, инсоний бурчидир”.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ҳамда “*Аёллар дафтари*”га киритилган хотин-қизларнинг бизнес лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кредитлар ажратилди. Жумладан, 2020 йилда 5,5 минг нафар аёлнинг кичик бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар асосида 102 млрд сўм маблағ ажратилиб, хотин-қизлар учун 4 364 та янги иш ўрни яратилган.

Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари ҳақида берилган маълумотнома асосида тадбиркорлик қилиш истаги бўлган хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг тадбиркорлик йўналишида молиявий саводхонлигини ошириш, уларга кредитлар ажратиш каби йўналишларда маҳаллалар кесимида тарғибот ишларини янада кучайтириш, амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги масаласини ҳар чоракда қўшма мажлисларда муҳокама қилиб бориш; маҳаллаларда хотин-қизларнинг бизнес ғояларини аниқлаш ва юқори самарали тадбиркорлик лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш; тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётган тадбиркор хотин-қизлар билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш белгилаб берилди.

Мустақил Республикамизда аёлларнинг энг биринчи вазифаси соғлом авлодни вояга етказиш, оқила уй бекаси бўлиш, шунингдек бу масъулиятлардан воз кечмаган ҳолда, ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун ҳам шароит яратилган.

Ҳозирги кунда хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ролини оширишга, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ўзбек оилалари ўзининг миллий менталитетини сақлаган ҳолда, шарқона одобларга қатъий риоя қилган ҳолда, давлат ва жамият бошқарув ишларида ўз фаоллигини намоён қилиши лозим. Бунинг учун мамлакатимизда гендер тенгликнинг ҳуқуқий, амалий механизмлари ишлаб чиқилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Президент қарори (13.08.2019).
2. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (02.09.2019).
3. Хусейнова, А. А. (2010). Торговля людьми: попытка противодействия. *Социологические исследования*, (11), 150-151.
4. Холова, Э. Х., & Хусейнова, А. А. (2012). ЗАКОН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН «О ПРОТИВОДЕЙСТВИИ ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ». *Современные научные исследования*, (12), 1-1.

5. Холова, Э. Х., & Хусейнова, А. А. (2010). Закон Республики Узбекистан «о противодействии торговле людьми». *Journal of Siberian Medical Sciences*, (4).
6. Хусейнова, А. А. (2017). ФИЛОСОФСКОЕ МИРОПОНИМАНИЯ АБДУРАХМАНА ДЖАМИ. *Ученый XXI века*, 88.
7. Хусейнова, А. А. (2017). О СУЩНОСТИ ФИЛОСОФСКОГО МИРОПОНИМАНИЯ АБДУРАХМАНА ДЖАМИ. In *Инновации в технологиях и образовании* (pp. 74-78).
8. Хусейнова, А. А. (2016). СРЕДНЕАЗИАТСКИЙ РЕНЕССАНС И АБДУРАХМАН ДЖАМИ. *ББК 65.34. 13 (2Рос–4Кем)*, 355.
9. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1987 году. – Тошкент: Фан, 1989. – С. 209.
10. Khajieva, I., Khujaniyazova, G., Kenjaeva, K., & Jumaniyozov, F. (2020). Foreign language competenceformation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 360-365.
11. Zhabborova, O. I., & Kenjaeva, N. P. (2018). Bases of gender equality of rights in Uzbekistan. *Международный журнал гуманитарных и естественных наук*, (5-2).
12. Кенжаева, Х. П., Тожиев, Ф. И., & Жураев, Б. Н. (2014). РОЛЬ ЖЕНЩИН В СОЗДАНИИ И РАЗВИТИИ ДЕМОКРАТИЧЕСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. In *Инновации в технологиях и образовании* (pp. 119-123).
13. Кенжаева, Х. П. (2021). ФУҚАРОЛИК МАДАНИЯТИ МЕЗОНЛАРИ ШАРҚ ФАЛСАФАСИ ТАЛҚИНИДА. *Academic research in educational sciences*, 2(3).
14. Кенжаева, Х. П. (2021). Аёллар ижтимоий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ўрни. *Scientific progress*, 1(6), 957-961.
15. Кенжаева, Х. (2021). Миллий маънавий меросимизда таълим-тарбия масалалари. *Общество и инновации*, 2(6/S), 18-24.
16. Khajieva, I., Khujaniyazova, G., Kenjaeva, K., & Jumaniyozov, F. (2020). Foreign language competenceformation of the future teacher of vocational education in the information and educational environment. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 360-365.